



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 11 август, № 158 (6852)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУТУНЖАҲОН ТАЭКВОНДО ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 август куни Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти Чо Чунг Вонни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, ушбу нуфузли халқаро спорт ташкилоти раҳбарига Ўзбекистонда таэквондо, аввало, ёшлар ўртасида оммалаштиришга қўшаётган шахсий ҳиссаси ва амалий саз-ҳаракатлари учун самимий миннатдорлик билдирди. Бугунги кунда ушбу жанговар санъат тури билан 20 мингдан зиёд юрдошимиз шугулланмоқда. 1993 йил Таэквондо миллий ассоциацияси ташкил этилди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида фаолият кўрсатаётган таэквондо кафедрасида малакали мураббийлар тайёрланмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистонлик спортчилар йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон ва қитъа чемпионатларида ғалаба қозонмоқда, Олимпия ўйинларида юқори ўринларни эгалламоқда. Бутунжаҳон таэквондо федерацияси Ўзбекистонда спортнинг ушбу турини ривожлантиришга фаол қўмақлашганни қайд этиш керак. Бу борада биргаликда турли турнирлар ташкил этиб, мамлакатимизда замонавий инфратузилмани яратиш ва уни жиҳозлаш лойиҳаларида, шунингдек, миллий терма жамоамизнинг

Жанубий Кореяда тайёргарлик кўриш ҳамда машғулот йиғинларини ўтказишда иштирок этмоқда. Жорий йилнинг 11-13 август кунлари Тошкент шаҳрида мазкур халқаро ташкилот ташаббуси билан Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти кубоги учун биринчи Осиё минтақаси мусобақаси бўлиб ўтди. Таэквондонини оммалаштириш, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга қўшаётган шахсий ҳиссаси эътирофи сифатида Чо Чунг Вон Тошкент шаҳрининг фахрий фуқа-

роси ва Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг фахрий фан доктори унвонига сазовор бўлди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимизда йирик халқаро турнирларни мунтазам ўтказиш, Бутунжаҳон федерациясининг давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилаётган таэквондо факультети фаолиятини йўлга қўйишда, шунингдек, юртимиз ёшларини спортга кенг жалб қилишга қаратилган бошқа тадбирларда иштирок этиш масалалари муҳокама этилди.

Чо Чунг Вон Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва Ўзбекистонда таэквондо ва бошқа спорт турларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаётгани учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этди. Бутунжаҳон таэквондо федерацияси Ўзбекистон билан янги қўшма лойиҳалар ва кенг қўламли ҳамкорлик дастурларини амалга оширишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

У.А.

Ёлқин ШАМСИДИНОВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИДОРЛАРГА БОЙ МАМЛАКАТ

2017 йил 11-13 август кунлари Тошкентда Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти кубоги учун Осиё минтақаси мусобақаси бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли мусобақа муносабати билан мамлакатимизга таширф бу юрган Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти Чо Чунг Вон У.А. муҳаббатига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев билан учрашиш мен учун катта шараф.

Учрашувда Ўзбекистон ва Бутунжаҳон таэквондо федерацияси ўртасидаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ва истиқболдаги режаларни муҳокама қилдик.

Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор самарасида таэквондо ҳам жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизда йиғирма мингдан ортқ ўғил-қиз таэквондо билан мунтазам шугулланаётгани ҳам бу спорт турининг нақадар оммалашганидан далolat беради. Ўзбекистон иқтидорли спортчиларга бой — улар сўнги йилларда йирик халқаро мусобақаларда муваффақият қозонмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## ФАХРИЙ УНВОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти Чо Чунг Вонга Тошкент шаҳри фахрий фуқароси ва Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фахрий фан доктори унвонларини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, спорт мутасаддилари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар, спортчи ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов Чо Чунг Вонга Тошкент шаҳри фахрий фуқароси ва Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фахрий фан доктори унвонларини топширди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, спорт соҳасида изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, қурилиш индустрияси ва миллий меъморчиликни ривожлантириш, тизимга илгор технологияларни жорий этиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, соҳага оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

### «Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатган қурувчи»

**Хушанов Нуритдин Нуржанович** — Нукус шаҳридаги «Жайхун универсал қурилиш» масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

### «Фидокорона хизматлари учун» орден билан

**Бабажанов Бекпўлат Хайитович** — Шовот туманидаги «Шовот темир-бетон» хусусий корхонаси бош муҳандиси, Хоразм вилояти **Магруппов Юлдаш Дадажанович** — «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат лойиҳа илмий-тектириш институти» давлат унитар корхонаси бош директори

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартини бундан олдинкидан таъминлаш, журналистларнинг ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, фуқароларимизнинг ахборот олиши, ўз фикрини эркин ифода этиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда ҳозирги шиддатли ахборот замонида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари

фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга тегишли ижодий-услубий ёрдам ва қўмақ бериш, журналистларнинг профессионал малакасини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор долзарб муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Бу йўналишда авваламбор Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

### «Меҳнат шухрати» орден билан

**Ахмедов Бахтиёр Ағзамович** — Жиззах шаҳридаги «Агрокант» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

**Раҳманов Алишер Раҳимович** — Олмасор туманидаги «Ижод-иждо» хусусий корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри

**Саматов Баҳодир Умарханович** — Наманган шаҳридаги «Дизайн тараққиёт» хусусий корхонаси раҳбари, Наманган вилояти

**Юлдашев Олимжан Маджидович** — «Ўзоғирсаноатлоиҳа» акциядорлик жамияти бош директори

### «Дўстлик» орден билан

**Пармонов Мухторли Орипович** — Марғилон шаҳридаги «Файз-Бинокор Олтириқ» хусусий қурилиш-монтаж корхонаси бош муҳандиси, Фарғона вилояти

**Саидов Нуриддин Наврузович** — Бухоро туманидаги «Бунёдкор Изатилло Сохтимион» хусусий корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

**Турдиев Абдуқоҳор Абдуқодирович** — Шайхонтоҳур туманидаги «Қарат проект» масъулияти чекланган жамияти лойиҳалар бош архитектори, Тошкент шаҳри

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ ЖАМОАТ ВА СПОРТ ИШЛАРИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРНИ ВА УЛАРИНИНГ ТРЕНЕРЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олимпия ва Паралимпия, Осиё ўйинлари ҳамда жаҳон чемпионатларида юксак натижаларга эришган, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида Ватанимиз байрогини баланд кўтариб келаётган спортчилар ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг бой ҳаётий таърибаси ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш, халқаро спорт алоқаларини янада мустаҳкамлаш, жаҳонда Ўзбекистоннинг обрўсини янада юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий олимпия қўмитаси, спорт фе-

дерациялари (уюшмалар) билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларини жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришга фаол қўмақлашиш, жамоат ва спорт ишларига бошқича-бошқич жалб этишга доир «Катта спортдан кейинги фаолият» ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. 2018 йил 1 январдан бошлаб нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш

миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тегишли йил учун Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календар режасида ушбу мақсадлар учун қўзда тутилган маблағлар ҳисобидан тўланишини назарда тутсин.

(Давоми 2-бетда.)

## МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри ватандошлар! Мухтарам дўстлар! Аввало, сиз, азизларимиз — уста бинокорлар, меъмор ва лойиҳачиларни, пудратчи ташкилотлар вакиллари ҳамда фахрийларни, ушбу тизимга дахлдор барча юрдошларимизни мамлакатимизда илк бор нишонланаётган кўтлуғ сана — Қурилиш соҳаси ходимлари кўни билан чин қалбимдан самимий табриклар, барчангизга чукур хурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Ҳаёт масъулияти ва шарафи касб бўлган қурувчилик ҳақида гап кетганда, аввало, сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бунёд этилган улкан корхона ва иншоотлар, шинам уй-жойлар, узоғимизни яқин қиладиган раво йўл ва кўприклар, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, обод шаҳар ва қишлоқлар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги гўзал ва фаровон ҳаётимизни, мамлакатимизнинг олқисун тараққиётини қурилиш соҳасидан, сиздек элгануб касб эгалари меҳнатидан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз.

Азиз дўстлар! Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори қурилиш соҳаси ҳам жуда катта ва шарафли ривожланиш йўлини босиб ўтганини қўллаб-қувватлашда кўриш мумкин.

Амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий, моддий-техник базага, улкан кадрлар салоҳиятига эга бўлган мазкур кўп тармоқли соҳа тараққиётимиз лоқомотивларидан бирига айланди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 24 мингга яқин қурилиш-пудрат ва 950 тадан зиёд лойиҳа ташкилотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 8 мингга корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда турли миллатга мансуб минг-миңлаб малакали ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, мутахассислар жонбошлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Кейинги ўн йилнинг ўзида қурилиш соҳасида инвестиция лойиҳалари доирасида 196 триллион 6 миллиард сўмлик капитал қўйилмаслар ўзлаштирилган, марказлаштирилган молиявий манбалар ҳисобидан 20 мингдан зиёд объект, жумладан, 7 минг 440 та умумтаълим мактаби, 1 минг 824 та касб-хунар коллежи ва академик лицей, 1 минг 951 та болалар спорт иншооти, 949 та шифохона ва 3 минг 708 та ичимлик суви объекти барпо этилган, чет эл кредитлари эвазига 40 миллиард 3 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилган сизларнинг бунёдкорлик меҳнатингиз жамиятимизга қандай катта наф келтираётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимизда аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш борасида олиб бораётган кенг қўламли ишларимизнинг аҳамиятини халқимиз яқин билади ва юксак қадрлайди. Бу йўналишда қабул қилган муҳим дастурларимиз айнан сизларнинг меҳнатингиз, маҳоратингиз туфайли ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмоқда ва бунини юртимиздаги кўплаб хондон эгалари чукур миннатдорлик билан эътироф этишмоқда.

Сўнги ўн йилда 1 минг 308 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 69 минг 557 та ҳар томонлама қулай уй-жойлар барпо этилиб, 83 минг 500 оиланинг яшаш шароити тубдан яхшиланди.

Биз халқимиз, айниқсан, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, ёш оилалар учун қулайлик яратиш мақсадида арзон ва шинам уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширмоқдамиз. Ҳозирги кунда барча вилоятларимиз марказларида 191 та, Тошкент шаҳрининг Серғели туманида 102 та, қишлоқ жойларда эса 15 мингта ана шундай уй-жойлар жадал сурьатлар билан барпо этилмоқда.

Уй-жойлар, турли бино ва иншоотлар билан бирга, ҳудудларимизда ижтимоий инфратузилма объектлари, кўча ва майдонлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт муассасалари, боғ ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари, дам олиш масканлари қурилаётгани одамлар учун қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Сизларга яқин аён, юртимиз қадим-қадимдан бунёдкорлик анъаналари билан дунёга донг таратиб келган. Ана шу беэвола анъаналарни давом эттириш ва замонавий меъморлик уюкларни билан уйғунлаштириш асосида ўзбек қурилиш мактаби бугунги кунда ривожланишининг янги босқичига кўтарилимоқда.

(Давоми 2-бетда.)

# МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Қадрли дўстлар! Сизларга маълумки, мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида барча соҳалар каби қурилиш соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси марказий аппарати ҳамда ушбу йўналишдаги ташкилотларнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолият самарадорлигини ошириш, ишчилар сонини оптималлаштириш, туман ва шаҳар босқичларида штатларни кўпайтириш сингари кенг қўламли ишларнинг барчаси, ишончим комил, соҳа ривожига янги уфқ ва истиқболлар очиб беради.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, яна бир муҳим масала — соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув жараёнларини қурилиш ва лойиҳа ишлари билан чамбарчас боғлиқ равишда олиб боришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу асосда Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳамда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, шунингдек, соҳа учун кадрлар тайёрлайдиган бир қатор касб-ҳунар коллежлари Қўмита тасарруфига ўтказилди. Шу билан бирга, Фарғона vodiysida қурилиш соҳаси учун юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, Наманган муҳандислик-қурилиш институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, бугун олдимизда қурилиш соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор долзарб масалалар тургани, уларнинг қачон топилш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш муҳим ҳаётий вазифаларимиздан бири эканлигини яхши англашимиз зарур.

Хусусан, мамлакатимизда мустаҳкам пойдеворга эга бўлган ва ҳар томонлама шаклланган замонавий қурилиш индустриясини

яратиш, тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш ва бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни, метод ва ёндашувларни жорий этиш, шаҳарсозлик борасида конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптималлаштириш, капитал қурилишдаги номутаносиблик ва муаммоларга барҳам бериш, самарасиз ишлаётган лойиҳа институтлари фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш, замонавий илм-фан, ахборот технологиялари, архитектура ва дизайн ютуқларидан оқилона фойдаланиш жараёнини жаддалаштириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш каби кечиктириб бўлмайдиган муҳим масалалар бугун ушбу соҳа вақилларнинг ҳам мутасадди раҳбарларнинг устувор мақсадларидан бирига айланиши лозим. Бунинг учун эса қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимлардан чучук билим, юқори касбий маҳорат, изланиш, ташаббускорлик ва фидойиллик каби фазилатлар талаб этилади. Бундай сый-ҳаракатлар, албатта, ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади. Шундангина бунёдкорлик ишларимизнинг сифати ва самарадорлиги ортди, жонжон Ватанимиз янада гўзал ва обод бўлади.

Азиз ва муҳтарам қурувчилар, соҳа ходимлари! Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда ютуқ ва омадлар, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Ҳеч қачон чарчаманг, машаққатли ва шарафли меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азиз дўстлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

**Ҳожибоев Рустамбек Тожибоевич** — Бўз туманидаги «Ихтисослашган Шахрихон қурилиш» ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш хусусий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

**Ярошенко Александр Николаевич** — «Ўзмахусусмонтажқурилиш» акциядорлик компаниясининг «93-махсус трест» акциядорлик жамияти бош пайвандловчиси

**«Шухрат» медали билан**

**Бегматов Самандар Мамамович** — Хатирчи туманидаги «Хатирчи сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

**Бозаркулов Фозил Ражабович** — Термиз шаҳридаги «Термиз-таъминот» саноат қурилиш-таъминот хусусий корхонаси директори, Сурхондарё вилояти

**Вафоев Шерзод Сулейманович** — Сирдарё туманидаги «Бекзодшер қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти

**Ғалпаров Воҳидхон Ғаниевич** — Наманган туманидаги «Ровустон қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Разиқов Кахрамон Тўхтаевич** — Нарпай туманидаги «Нарпай стандарт қурилиш» хусусий корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Уразбаев Мадияр Сарсенбаевич** — Нукус шаҳридаги «317-кўча механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамияти раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Халилов Жаббор Иброгимович** — Қосон туманидаги «Пудина Қувончбек» масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

**Худайберганов Ахмадали** — Чиноз туманидаги «33-ҳужалиқлараро кўча механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамияти раиси, Тошкент вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2017 йил 10 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон журналистлари ИҶОДИЙ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, газета-журналлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ва Интернет нашрларида меҳнат қилаётган муаммоларнинг ҳолатини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, иш ва турмуш шaroитларини яхшилаш, журналист кадрларнинг профессионал маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасини сақлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаракатлари, шунингдек, уюшманинг ва Уюшмага қарашли бўлган Республика Миллий матбуот марказининг моддий-техника базасини ривожлантиришни молиялаштириш манбаси этиб Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илхом» жамоат фонди (кейинги ўринларда «Илхом» жамоат фонди деб юритилди) маблағлари ва қўнғичлик билан таъқиланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлиmlари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан

дан «Илхом» жамоат фондида ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидия) ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уюшманинг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ишлом Каримов кўчаси, 16-«А» уйга жойлаштирилишини таъминласин.

3. «Узавтосаноат» акциядорлик компаниясининг Уюшмага хайрия асосида 1 та «Дамас» русумли автомашинасини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Уюшма билан биргаликда эҳтибъманда ва фаол журналистларини имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой ёки ер участкалари билан таъминлаш ишларини белгиланган тартибда йўлга қўйсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. М. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2017 йил 10 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ ЖАМОАТ ВА СПОРТ ИШЛАРИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ТРЕНЕРЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Олимпия ва Паралимпия ўйинлари голиб ва совриндорлари бир йилда бир марта ўзлари учун мақбул бўлган мuddатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси, республика Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига соғломлаштириш курсидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Белгилаб қўйилсинки: Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида голиб ва совриндор бўлган спортчилар учун тўланадиган умрбод ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилади;

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси учун Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, Миллий олимпия қўмитаси маблағлари ва қўнун ҳужжатларида таъқиланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларни санаторий-соғломлаштириш муассасаларига юборити йўлнамалари ҳамда юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаган тренерларга бир марталик пул мукофотлари беришининг молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси (А. Н. Арипов) томонидан кўриб чиқилади ва тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой мuddатда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари голиб ва совриндорлари учун тўланадиган умрбод ойлик тўловлар ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаган тренерларга тўланадиган бир марталик пул мукофотларини бериш тартиби тўғрисидаги ҳамда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари голиб ва совриндорларнинг саломатлигини санаторий-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низомиларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой мuddатда Ўзбекистоннинг юқори малакали спорт мутахассисларини ва машҳур спортчи ватандошларимизни мамлакатимизга хорж маблағатлардан олиб келиш, уларни жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожланти-

риш ишларига жалб этиш, уларга зарур шарт-шaroитлар яратиш, меҳнатларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин; уч ой мuddатда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, мамлакатимизнинг нуфузли спорт мусобақалари голиб ва совриндор спортчилари тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида улар учун 3 ва 6 ойлик қисқа мuddатли махсус ўқув курслари ташкил этсин;

уч ой мuddатда Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссияси томонидан махсус ўқув курсларини битирган Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларига тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзли равишда рухсат бериш тартибининг жорий қилинсин;

икки ой мuddатда Ўзбекистоннинг номдор спортчиларини хусусий спорт муассасаларини ташкил этишга қўмаклашиш, бириктириладиган ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдам бериш турлари (бино ва иншоотлардан бепул фойдаланиш, маблағлар ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш ва ҳ.к.) бўйича таклифлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш механизминини белгилувчи тизимини яратиш бўйича чоралар кўрсин;

бир ой мuddатда Республика олий спорт маҳорати мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва Республика спорт мактабларида «Спортчи» лавозимини жорий этиш, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгиланиши ўз ичига олган Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой мuddатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб сиртки бўлимини ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Олимпия ўйинларида голиб ва совриндор бўлган спортчилар хусусий спорт муассасаларини ташкил этиши учун Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тақдимномасига асосан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатли ривожлантириш давлат қўмитаси спорт йўналишидаги фаолиятни сақлаб қолиш шarti билан, ўрнатилган тартибда «ноль» қийматда бўш бино ва иншоотлар берилиши ҳамда аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардан ер участкалари ажратилишини таъминласин;

тижорат банклари томонидан имтиёзли ва узоқ мuddатли кредитлар ажратилиши тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) билан

биргаликда бир ой мuddатда Олимпия ва Паралимпия, Осиё ўйинлари ҳамда жаҳон чемпионатлари голиб ва совриндорларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш, уларни ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнларига фаол жалб этиш, халқаро спорт ташкилотлари билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, жаҳонда Ўзбекистоннинг обрўсини янада юксалтиришда уларнинг ролини кучайтириш бўйича ҳамкорликдаги комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида голиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари иштирокидаги реклама маҳсулотларини имтиёзли жойлаштириш тартибинини ишлаб чиқсин ва 2018 йил 1 январдан жорий этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Ўзбекистоннинг иқтидорли спортчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қўнғичлиги манфаатларини ҳимоя қилиш, етакчи хоржий спорт муассасаларида шартнома асосида малака оширишларини ташкиллаштириш, халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекистон спорт агентлари ва селекционерлари уюшмаси»ни ташкил этиш ва унинг фаолияти учун зарур шарт-шaroитлар яратишга доир барча масалаларнинг ҳал этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги юқори маҳоратли спортчилар ҳамда уларнинг тренерлари фаолияти ва эришган ютуқларини ёш авлодга ўрнат қўриқчи курсатиш мақсадида босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумла Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли орасида мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласинлар.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 10 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ ЖАМОАТ ВА СПОРТ ИШЛАРИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ТРЕНЕРЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий тарма жамоалари спортчиларининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларни кўлга киритишлари, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори, спорт салоҳияти ва ютуқлари тизимли равишда ошиб боришини таъминлашга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида тобора оммалашиб бораётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақаларини ўзида мұжассамлаган уч босқичдан иборат ахилт тизим яратилди. Мазкур тизим орқали нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келётган машҳур спортчилар етишиб чиқмоқда.

Бугунги кунда юқори малакали спортчиларни тайёрлашда машаққатли меҳнат ва катта куч талаб этилишини инобатга олган ҳолда, спортчиларнинг ўз маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари, жисмонан ва маънави етуқлигини таъминлаш билан бирга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш зарур.

Мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган

Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ кенг миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларини жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришга фаол қўмаклашиш, жамоат ва спорт ишларига босқичма-босқич жалб этишга доир «Катта спортдан кейинги фаолият» ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилиши белгиланган.

Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларини бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш чоралари белгиланган. Шунингдек, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида голиб ва совриндор бўлган спортчилар учун умрбод тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилиши назарда тутилган.

Юқори маҳоратли спортчилар узлуқсиз равишда ўқув-маъмулот жараёнида бўлишларини таъминлаш

мақсадида, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида сиртки бўлим очил юзасидан аниқ таклиф киритиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, спортчиларга машгулот ва мусобақалар билан боғлиқ фаолиятларидан ажралмаган ҳолда таълим оlishларига ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларидаги билимларини оширишга ва келажакда мураббийлар сафига қўшилишларига имконият яратади.

Қарорга мувофиқ, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари голиб ва совриндорлари бир йилда бир марта ўзлари учун мақбул бўлган мuddатда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш курсидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, мамлакатимизнинг нуфузли спорт мусобақалари голиб ва совриндор спортчиларини тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида 3 ва 6 ойлик қисқа мuddатли махсус ўқув курслари ташкил этилиши ва Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларига тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзли равишда рухсат бериш тартибининг жорий этилиши кўзда тутилган.

## ФАҲРИЙ УНВОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бунда мамлакатимизнинг Бутунжаҳон таэквондо федерацияси билан алоқалари муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек, мазкур халқаро ташкилот президенти Чо Чунг Воннинг хизматлари юқори бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

— Бугун тинчлик шаҳри — Тошкентнинг фахрий фуқароси бўлиш,

марказлари уюшмаси раиси Виктор Пак ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, ёшларга кўрсатилган ғамхўрлик, спортни ривожлантириш борасидаги сый-ҳаракатлар, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг истиқболлари ҳусусида сўзлади.

**Улубек АСҚОРОВ,**  
ЎзА мухбири.

## Ўзбекистон ИҚТИДОРЛАРГА БОЙ МАМЛАКАТ

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзбекистон таэквондо-чиларининг жаҳон ва минтақа чемпионатлари, йирик мусобақаларда эришадиган юксак натижалари мамлакатимизда спорт соҳасида изчил ислохотлар амалга ошириляётгани, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш бўйича мукамал тизим яратилганидан далolat беради.

**ЎзА мухбири А. ҲУСОНОВ** эътиборини

# «Ўзбекистон Президенти жамики халқаро ҳамжамият учун энг долзарб масалаларни кўтарди»

Шу йилнинг 15 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар хорижий давлатларнинг таҳлилий, илмий-академик ва жамоатчилик доиралари вакиллари томонидан кенг шарҳланмоқда.

## ДУНЁ НИГОҲИ

Хозирги пайтгача мамлакатимизнинг чет эл давлатларидаги дипломатик ваколатхоналарида расмий ҳамда эксперт доиралари, диний уламолар иштирокида ўндан зиёд брифинглар, тақдирот ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Президентининг қарашлари ҳамда тақлифлари алоҳида қизиқиб ва кўтариниб руҳ билан қабул қилинди. Бу каби тадбирлар давлатимиз раҳбарининг маърузасида кўтарилган масалаларга қизиқишнинг ўсиб бораётгани, айниқса, бундай муаммолар ҳамон долзарб бўлиб тургани тўғрисида дунёнинг кўпбал давлатларида давом этмоқда.

Кўйда ўқувчилар эътиборига айрим халқаро экспертларнинг бу борадаги мулоҳазаларини биринчи қисмини ҳавола қиламиз.

роқ масалалари билан мувофиқ тарзда экстремизмга қарши муносабатни маърифий билимларни тарқатиш йўли орқали шакллантириш бўйича жамоатчилик мулоқотини ривожлантириш борасидаги интилишни аниқлашди. Ушбу ҳаракат одамларнинг тажовузкорлик ҳаракатларига қўшилиб қолишдан ҳам асрайди.

Президент ташаббуси жаҳолатпарастлик ҳамда халқаро терроризмга қарши курашни маърифат йўли орқали олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Шунингдек, ёш авлодга ислом динининг ўқимчидаги буюқ олимлари меросини ўзлари учун кашф этишни тақлиф этди. Давлат раҳбари «Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак», дея жуда тўғри таъкидлади. Бу гоя энг юксак баҳога муносибдир.

Айнан шунинг учун биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз.

### Фредерик КАРЛИЕ, Европанинг Осиё тадқиқотлари институти етакчи илмий ходими (Бельгия):

— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ушбу йўналишда илгари сурилган ташаббуслар дунёнинг кўпбал мамлакатлари ва минтақалари, айниқса, Европада тинчлик ҳамда тотувликка эришишнинг асосий ютуғига айланиши мумкин. Биз институтида ҳамкорликни давом эттириш ва биргаликда бугунги кунда жуда долзарб бўлган ана шу мавзуда махсус таҳлилий материаллар тайёрлашга шаймиз.

### Шайлажа ФЕННЕЛ, Марказий Осиё бўйича Кембриж форумининг тадқиқот масалалари директори (Буюк Британия):

— Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳайратланарли муваффақиятларга эришганига қарамай, хотиржамликка берилгани йўқ ҳамда жамият ҳаётининг барча жаҳасини янада модернизациялашга тобора катта эътибор қаратмоқда. Шу ўринда ижтимоий барқарорликни таъминлашдек ўзгармас устувор вазифа давлат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистонда кечаётган кенг қўламли жараёнлар таҳлилий тушунишга кўмаклашади. Бу 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз аксини топан бўлиб, ундаги муҳим йўналишлардан бири маънавий-маърифий тарбия — миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳисобланади.

### Дато Зулфиқор Абд ГАНИ, Малайзия ислом илмий университети проректори:

— Исталган мамлакатнинг ёш авлоди онгига салбий таъсир кўрсатувчи четдан келадиган турли буғунчи оқимлар таъсирини тушиб қолиш хавфидан холи эмас. Қўлаллашу шароитида кўпбал давлатлар ҳукуматлари ушбу ҳодисаларга қарши курашиш бўйича стратегиялар қабул қилмоқда. Бироқ шунга қарамай, таассуф билан эътироф

этишимиз лозимки, бунга ҳали эришилганча йўқ.

Менга Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу каби таҳдидларга маърифат орқали қарши курашиш, бунда мамлакатнинг тарихий ҳамда замонавий исломшунослари асарларидан кенг фойдаланиш ҳақидаги қарашлари жуда маъқул бўлди. Бундай ёндашуви Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлади. Ушбу тажриба ўрганилишига ҳамда дунёнинг бошқа мамлакатларида жорий этилишига муносибдир.

### Абдулҳодий ал-АЖМИЙ, Кувайт университети профессори:

— Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида бутун халқаро ҳамжамиятни ташвишга солиб турган энг долзарб масалаларни кўтарди. Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас ислом динининг чинакам мазмун-моҳиятини асраш ва аҳоли ўртасида бағрикенглик, Шарқнинг буюқ мутафаккирлари ҳамда уламоларининг бую маънавий, илмий ва маданий меросига эътиром билан муносабатда бўлиш ҳаммаимизни бирдек ташвишлантиради. Ўзбекистон раҳбарининг ижтимоий-маънавий йўналишдаги ишлари янги босқичга кўтариш, оила ҳамда маҳаллаларда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш борасидаги гоялари ва тақлифлари юксак эътирофга молик.

### Рашид ДОРАИСВАМИ, Жамия Миллия Исломиа университети Халқаро тадқиқотлар академияси раҳбари (Хиндистон):

— Миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясининг устувор вазифаларидан бири саналади. Мамлакатда яқин борилаётган конструктив сийёсат Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сийёсатда қатъий ҳамда изчил эканини тасдиқлайди. Мамлакат янги раҳбарининг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари нафақат Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишига кўмаклашади, балки минтақадagi таҳдидларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

«Жаҳон» АА

# ЭЗГУ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМИ

Мамлакатимизда сўнгги бир йил ичида ижтимоий-сийсий ислоҳотлар суръати жадаллашиб, жамият ҳаётида бутунлай янги муносабатлар жорий этилмоқда. Жумладан, давлат органларининг қонунда белгиланган тартибда фаолият юритишлари ва ўзларига юклатилган вазифаларни виждонан бажариши ҳамда давлат бошқарувида фуқароларнинг бевосита ҳамда билвосита иштирок этиши учун ҳуқуқий-ташкилий механизмлар яратилаётди.

## СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Бунда, айниқса, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини таъминлаш мақсадида ижро ва вакиллик органларининг биргаликда ягона бир механизм сифатида фаолият олиб боришни ташкил этиш борасида салмоқли ишлар ҳамда ислоҳотлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Айни пайтда Президентимиз алоҳида қайд этганидек, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти марказий органлари ҳудудларни ривожлантириш, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни аниқлаш, уларнинг ечимига доир амалий ишларни ташкил этиш ёки тақлифлар тайёрлаш, ечимини кўтаётган муаммоларни хал қилиш борасидаги фаолиятида йўлғиликни, ташаббуслорликни, функционал вазифаларни бажаришдан чалғимаслик, танқидий таҳлилга асосланган ва пухта ўйланган дастурларни ишлаб чиқиш, аҳолининг ҳаёт сифатига таъсир этаётган ижобий ўзгаришларни муносиб баҳолаш бугунги кунда долзарб саналади.

Афсуски, марказий ва маҳаллий вакиллик ҳамда ижро органлари мансабдор шахсларида ташаббуслорликнинг етишмаслиги ҳам бор гап. Бошқарувнинг қотиб қолган усуллари таниш ҳисобига самарасиз йўналишлар ва уларнинг яқини бўйича чуқур ўйланмаган қарорларнинг қабул қилиниши ҳам кўзга ташланади.

Бу ҳар бир мансабдор шахсининг сергак тортишини, ўз фаолиятини танқидий баҳолашини талаб этади. Шу каби муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш, қолаверса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш мақсадида

давлатимиз раҳбарининг «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган долзарб аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатни норма ижодкорлиги соҳасида мутлақо янги ҳужжат, деб аташ мумкин. Чунки шу кунгача, яъни миллий давлатчилигимиз тарихида ижро ва вакиллик органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, айниқса, кўйидан юқорига қадар бўлган ижро ва вакиллик органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг функционал вазифаларини тартибга солишга қаратилган бундай кенг қамровли ҳамда концептуал ҳуқуқий ҳужжат бўлган эмас.

Маълумки, Президентимиз ҳар бир чиқишда ижро ва вакиллик органларининг мансабдор ваколатли шахсларни олдида тақдор ва тақдор халқ ичига кириб бориш вазифасини қўймоқда. Халқ ичига кириб бориш деганда, барча ишлар рисоладагидек кетаётган жойларга шунчаки бориб келиш назарда тутилмапти. Балки чека ҳамда ижтимоий аҳоли давлат органлари ва мансабдор шахслар назаридан четда қолган ҳудудларга, у ерда яшаётган аҳоли билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиб, жойида хал қилишга асосий умул берилмапти. Агар муаммолар ви-

лоят ёки республика даражасида хал қилинадиган бўлса, тақлиф ва режалар дастурларни тайёрлаш ҳамда масъул мансабдор шахслар тасдиғига кириштириш вазифалари қўйилапти. Шу ишларнинг ижроси устидан аслида парламент назоратини амалга ошириш имкониятлари жуда кенг бўлса-да, бироқ бу борада самарали механизм йўқ эди.

Эндиликда ушбу қарорнинг қабул қилиниши натижасида юртимизда, авваламбор, ижро ҳокимияти ҳамда вакиллик органларининг жойларда ишларни ташкил қилиш борасида мутлақо янги амалиёт йўлга қўйилади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлишни назарда тутадиган мутлақо янги тизим жорий этилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан парламент назоратининг самарали механизмлари амалиётга татбиқ қилинади.

Қарор билан давлат ва жамият бошқаруви янги, яъни «маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика» тамойилига қўра изчил ва узлуқсиз бўлган механизм асосида амалга оширилади. Натихада аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш кўламини кенгайтириб, қабул қилинаётган қарорлар пухта-пишқиллиги, ҳаётлиги таъминланади.

Мазкур ҳужжат асосида эндиликда маҳаллий ва марказий ижро ҳамда вакиллик органлари раҳбарлари шахсий жавобгарлиги масаласидаги ноаниқликларга чек қўйилади. Бу эса, ўз-ўзидан, уларнинг вазифаларига масъулликни оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг ушбу қарориди белгиланган вазифа ва топшириқларни ўқиб-ўқиб, ўрганиб чиқиш жараёнида ҳар бир мансабдор шахс, шу жумладан, халқ вакиллари эндиликда нафақат ўзларига берилган ваколатлар доирасининг янада кенгайганини, халқимиз олдида мажбуриятлари янада ошганини теран ҳис қилиши лозим.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари,  
юқори палатанинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия раиси.

# Бунёдкор халқ ҳеч қачон кам бўлмайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан, август ойининг иккинчи яқшанбаси юртимизда «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини» сифатида белгиланди.

## 26 ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

қурилиш институти, 12 та олий таълим муассасаси ва 390 та касб-ҳунар коллежининг алоҳида ўрни бор. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Мухимий қўчалари кесилган жойда жорий йил фойдаланишга топширилган йирик йўлқўзғичнинг мисол сифатида олиб кўрайлик. Айтиш жоизки, мазкур объект шаҳар аҳли ва меҳмонларига қурувчиларимиз томонидан

атчилик вакиллари, санъат ва маданият ходимлари, журналистлар иштирок этди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда қурилиш соҳаси ходимларига йўлланган байрам табригини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш, тармоқда янги технологиялар ва энергия тежамкор материалларни қўллаш, қурилиш-пудрат ҳамда лойиҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кучайтириш борасидаги ишлар соҳа ривожига янги даврни бошлаб бергани алоҳида қайд этилди.

Президентимиз Фармони билан тақдирланган бир гуруҳ қурувчиларга давлат мукофотлари топширилди. — Бунёдкорликнинг ҳам ўзига хос завқи бор, — дейди «Меҳнат шўхрати» орден соҳибини, «Дизайн тараққиёт» хусусий корхонаси раҳбари Баҳодир Саматов. — Зеро, курган иморатларингиздан кимдир фойдаланаётганини, уларда одамлар бахтли ҳаёт кечираётганини кўриб, ҳис этиб, катта ифтихор туйғулари тусан киши. Биз ҳам жамоамиз билан кўпбал ижтимоий объектлар, уй-жойлар қурилишида иштирок этаёмиз. Уларни ўз вақтида сифатли қилиб топширишимизда яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар аҳамияти жуда юқори.

Бугун мен учун унутилмас кун бўлди. Камтарона меҳнатларим инобатга олиниб, Президентимиз томонидан тақдирландим. Соҳа вакилларига қаратилган эътибор боис бу йил илк марта таба касб байрамимизни нишонлаётганимиз эса қучимизга куч қўшаётти.

Қурилиш соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар учун тарқатиётган сифат жинҳаддан юқори босқичга кўтармоқда. Бунинг самараси эса юртимиз бўйлаб кечаётган бунёдкорлик ишларида яққол намоён бўлаётди. Зеро, бунёдкор халқ ҳеч қачон кам бўлмайди!

Тантанали тадбир концерт дастури билан ниҳоясига етди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Хосан ПАЙДОЕВ олган сурат.



Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари нафақат шаҳару қишлоқларимиз қиёфасига қўрқамлик бахш этаётти, балки ҳаётимизга ўзгача маъно-мазмун киритмоқда. Сабаби, жойларда барпо этилаётган мухташам иншоотлар, санъат ва маданият қосоналари, спорт мажмуалари, турли ижтимоий соҳа объектлари, кўприги йўллар, тураржойлар одамларга катта қўлайлик яратиб, муносиб турмуш кечиртишга хизмат қилаётди. Дарҳақиқат, биз — бунёдкор халқимиз. Бу хизмат қончимизга сингиб кетган. Юртдошларимизнинг яратувчилик қобилиятлари, айниқса, мустақиллик йилларида яққол юзага чиқиб, соҳада

кўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи тобора ортмоқда. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимиз том маънода улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланган. Худудлар меъморий қиёфасини тубдан янгиллаш, уларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш, аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-маънавий шароитини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётди. Бундай юмушларни пишиқ-пухта амалга оширишда 23,8 мингта пудрат ташкилоти, 31 бош лойиҳа институти ҳамда мингга яқин лойиҳа ташкилотлари фаол иштирок этаётти. Соҳани малакали кадрлар билан таъминлашда эса 3 та архитектура ва

Наврўз байрамига муносиб туҳфа бўлди. Чунки шу пайтгача мазкур кўчалар кесилган чорраҳада тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларга қатор ноқулайликлар тугдираётган эди. Узунлиги 900, бандлиги 6, кенглиги 24 метр бўлган 6 қаторли ушбу йўлқўзғич фойдаланишга топширилган, бу каби масалалар ўзининг ижобий ечимини топди.

Кўпригининг икки томонидан пидбаллар учун умумий узунлиги 131,6 метрлик ер усти ўтиш йўлақлари ҳам бунёд этилди. Улар ёнғин-чиққандан ҳимояланган мақсадда махсус мослама билан жўзланганчани айтмайсизми?! Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарлар-

камиз бўйича барча манба ҳисобидан жами 37,5 триллон сўмлик ҳамда қурилиш ишлари бажарилиб, 120,5 фоиз ўсишга эришилиши кутуляпти. Пировардида жорий йилда жами 15 мингта арзон намунавий тураржой, 191 арзон кўп қаватли уй ва 2,5 мингта ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилади. Англаш мумкинки, одамларнинг турмуш фаровонлигига қаратилган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

# ЁШЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

"Биз "уюшмаган ёшлар, уюшмаган ёшлар", деб кўп гапираемиз. Лекин бу масалани ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишга келганда, очик айтиш керак, кўпчилигимиз нима қилиш лозимлигини билмаймиз. Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошчилигида, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида, бир илмий-амалий конференция ўтказиш ўринли бўлур эди. Унда уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳар томонлама асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур, деб ўйлайман".

## КОНФЕРЕНЦИЯ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 30 июни кўни пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида юртимиз ёшлари билан ўтказилган учрашувда ҳар бир ўлиғ-қизга эътибор қаратиш зарурлиги хусусида кўпинча билан фикр юритиб, ана шу тақлиби билдирган эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Ёшлар — келажак бунёдкори" ширини остида уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларига бағишланган республика конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Фанлар академияси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, турли соҳа мутахассислари қатнашди.



Хосан ПАЙЎЗЕВ олган сурат.

Марказий Кенгаши раиси Қ. Куронбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И. Махидов ҳамда бошқалар мамлакатимизда навқирон авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-

шароитлар яратиб бериш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Хусусан, мазкур конференция ҳам уюшмаган ёшлар ижтимоий қатламига ўрнатиш, йигит-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш, бу борада давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини тақомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Анжуманга тайёргарлик кўришда

## СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Одилжон ТОЖИЕВ,**  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий Кенгаши раисининг  
биринчи ўринбосари:

— Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция уюшмаган ёшлар билан ишлаш, улар фаолигини кучайтириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига қўмаклашишда катта аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Масалан, айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб 194 та касб-ҳунар коллежи биноси ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказилган. Улар негизда туман ва шаҳарларда ёшлар марказлари ташкил қилиниб, йигит-қизларимиз олти ой давомида касбга бепул ўқитилади, қайта тайёрланади ҳамда ишга жойлаштирилади. Бундай ёшларга молиявий қўмак берган ҳолда, тадбиркорлик ва фермерликка жалб қилиш кўзда тутилган бўлиб, бу беқийёс ғамхўрликдир.

Шунингдек, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ҳамда пойтахтимизда барпо этилаётган ёшлар марказларида турли касбларни ўргатиш ва чет тилларни ўқитиш курслари, спорт секциялари, клублар, замонавий кинотеатрлар, кутубхоналар, китоб дўконлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу орқали эртамиз эгаларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсад қилинган.

**Танзила НАРБАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг ўринбосари,  
Республика Хотин-қизлар  
қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари юртимиз ҳудудларига ташрифлари давомида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратаётганлар. Очиги, шу пайтгача фаолиятимиз бир томонлама бўлиб қолган. Биз, асосан, уюшмаган ёшларга қўрақ эътибор қаратиб келган эканмиз. Мана, мисол учун, фаолиятимиз ҳақида гап кетганда фақатгина 1999 йилда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралаб олиш, уларни тақдирлаш, кейинги ҳаётини мониторинг қилиш билан кифояланган. Мазкур талловда голиб бўлган қизларни рағбатлантириб-муста-у, аммо бошқалари билан ишлашда сустлашди йўл қўётган эканмиз.

Ушбу камчиликларни бартафоз этиш мақсадида шу кунларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда "12 август — Халқаро ёшлар кўни"га бағишлаб "Ёш оилалар ва қизлар" биринчи республика форуми ўтказилди. Ушбу тадбир айнан уюшмаган ёшларнинг орзу-интилишларини ўрганиш, уларни оилага, жамиятга муносиб инсонлар этиб қамолга етказишга муносиб ҳисса қўшишдек мақсадларни кўзлайди.

**Шавкат ЖАВЛОНОВ,**  
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди  
республика бошқаруви раиси:

— Маълумки, ёш авлодга замонавий таълим бериш билан биргаликда уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ҳамда

қалбни мафқуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитет, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Ушбу масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик бўлиш эҳтимол — оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Улар орасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ўсимлар орасида турли салбий иллатларнинг олдини олиш, бугунги куннинг маънавий аҳамият касб этади.

Маълумки, тизимимизда фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда улар маҳалларда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш ва бундай вақтларини мазмунли ташкил этиш борасидаги фаолияти самарадорлигини янада кучайтириш зарур.

Ушбу анжуман шу нуқтага назардан долзарб бўлиб, мавзуду муаммоларга ечим топиш бўйича тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишда алоҳида ўрин тутди.

**Ислом ЖАСИМОВ,**  
Савдо-саноат палатаси раисининг  
биринчи ўринбосари:

— Республикаимизда ўттиз ёшгача бўлган тадбиркорлар 90 мингдан ортиқ ва бу жами тадбиркорлик субъектларининг 18 фоизини ташкил этади. Улар орасида ўзининг ундабун-ронлиги, тиришқоқлиги ва ишбилармонлик қобилияти, ўзи таллаган йўналишида юксак натижаларга эришган, юртимиз равақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёш ишбилармонларимиз ҳам борлиги бизни қувонтиради. Масалан, Тошкент вилоятидаги "Зиё ғилу-

бус" корхонаси раҳбари Бобур Зокиров фаолиятини олайлик. У ўз бизнесини бошлаганда 19 ёшда бўлган ва мамлакатимизда ҳали ҳеч қим қўл урмаган йўналиш — глобус ишлаб чиқаришга киришган. Бугунги кунда ёш тадбиркор ўз тендосларидан 25 нафарини иш билан таъминлаган. Фаолият йўналишларини кенгайтириб, импорт ўрнини босувчи ўқув қуроллари тайёрлашга эришиш билан бир қаторда, турли илмий лойиҳаларда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, шу мақсадда яна бир муҳим кадам қўйилди. Аниқроғи, Президентимизнинг 2017 йил 19 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига биноан, Палата таркибига Ёшлар тадбиркорлиги ва инновацияларни ривожлантириш махсус бошқармаси ташкил этилди. Демак, уюшмаган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш энди Палатанинг ҳам асосий вазифаларидан биридир.

**Нигора МАМАЖОНОВА,**  
(Наманган шаҳри):

— Анжуманда "Уюшмаган ёшларни жамиятининг, фаол аъзосига айлантириш" йўллари ва бунда спортнинг ўрни" мавзусидаги илмий мақолам билан қатнашдим. Биласиз, ҳар бир ўғил-қиз муайян иқтидор ва қизиқишга эга. Бу жараёнда унга тўғри йўл кўрсатиш, ўз салоҳиятини намойён қилишига кенг йўл очиб ва қўллаб-қувватлаш гоат муҳимдир. Илмий изланишимда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, уюшмаган ёшларни спорт мусобақаларига жалб этиш бўйича тақлифларимни илгари сурдим.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.

## ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБДА

Пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида мамлакатимиз ҳудудларини ишончли ва самарали боғловчи, халқаро транспорт тармоқларига чиқишни таъминловчи ягона темир йўл тизими, юк ва йўловчи ташиш хавфсизлиги, тармоқнинг иқтисодий диверсификацияси каби йўналишлардаги ишлар муҳокама қилинди.

## «Ўзбекистон темир йўллари»:

# ИЗЛАНИШ, ЯНГИЛАНИШ, ИСТИҚБОЛ

Бугунги кунда мазкур соҳада улкан ишлар амалга оширилаётганини қайд этилди. Рўёбга чиқарилаётган истиқболли йриқ лойиҳалар боис тармоқда нафақат юк ва йўловчи ташиш ҳажми ортмоқда, балки худудлар инфра-тузилмаси яхшиланиб, аҳолига катта қулайликлар яратилапти.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Даврон Деҳқоновнинг айтишича, истиқлол йилларида 1100 километрдан ортиқ янги темир йўллар барпо этилди. Минг километрлик темир йўл магистраллари модернизация қилиниб, 1700 километр узунлиқдаги темир йўл боғламаликлар электрлаштирилди. Айниқ-са, ўз ичига Амударё усти-да қўрилган кўприкни ҳам қамраб олган Навоий — Учқудуқ — Нўкус — Султон Увайстог, Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон, Ангрэн — Поп темир йўлларининг бунёд этилиши республикамиз иқтисодиёти учун гоат муҳим стратегик аҳамиятга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, 2016 йилда ишга туширилган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли орқали Фарғона водийси вилоятларини республикамизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлаш имконияти вужудга келиши баробарида Хитой

йўл тизимининг муҳим бўғини яратилди.

Янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши табиий ресурсларни ўзлаштириш, минглаб кишилар бандлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан қувонарликдир.

Умуман, ўтган даврда 16 та вокзал қурилиб, 9 таси реконструкция қилинди. Бу билан йўловчиларга халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш учун шарт-шароит яратилди. Сўнгги пайтларда 49 та замонавий электровоз сотиб олинди, 120 та локомотив модернизация қилинди. Ҳозирги кунда эса 92 та электровоз ва 273 та тепловоз "пўлат из"лар бўйлаб ҳаракатда.

Тизимдаги бу каби ишлар айни пайтда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бунга қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган Бухоро — Мискин, Урганч — Хива, электрлаштирилатган Қарши — Термиз йўналишларини мисол сифатида келтириш мумкин.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ташкил топган кундан буён юк ташиш ҳажми 2,1 марта, йўловчи ташиш эса 2 баргача кўпайган. Яъни шу пайтгача 1,4 миллиард тонна юк ҳамда 350 миллион киши темир йўллар орқали ўз манзилига етказиб қўйилган.

Сессияда иштирокчиларга тизимда келгусида амалга ошириладиган бошқа лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.

## ЭЪЛОН

«Ўзбекнеғро» акциядорлик жамияти

## «Yangi Angren IES» АЖ

2500 погон метр темир йўлларни капитал таъмирлаш ишлари бўйича тижорат тақлифларини қабул қилади.

Корхона ҳамда ташкилотлар темир йўлларни капитал таъмирлаш ишлари бўйича лицензия, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва бошқа керакли жиҳозлар, ишлаб чиқариш базаси ҳамда мутахассисларга эга бўлишлари лозим.

Тижорат тақлифлари эълон чоп этилган сандан бошлаб 15 кун мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри,  
Нуробод кўрғони, «Yangi Angren IES» АЖ.  
Телефонлари: (+99894) 363-78-25,  
(+99898) 809-68-22.  
Факс: (0-371) 236-63-49.  
E-mail: novoangren@uzbeknegro.uz  
ёки novoangren@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси маъсул ходим Ойбек Менглибоевич Муродовга онаси

Тўйибби БОЗОРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми ҳамда қасаба уюмчаси Бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Жўра Абдуллаевага турмуш ўртоғи

Сабоҳатхон ФОЗИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси почта хавфсизлиги бўйича директор Салим Ҳамраевага онаси

Зумрад ҲАМРАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ТАДБИР

Озод, обод, халқи фаровон яшайдиган, юксак тараққиётга эришган гўзал ва олижаноб жамиятни барпо этиш Президентимиз белгилаб берган Харақатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини ўзида ифода этади.

# Замон ва ижодкор

— Ҳар бир соҳада туб янгиланишлар юз бераётганига барчамиз гувоҳимиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов. — Шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, тизимли ислохотлар, эзгуликка йўрилган қўвончи воқеа-ҳодисалар, таъбир жоиз бўлса, қалбимизда акс садо бермоқда. Шундай экан, маънавий мизининг бош бўғини — миллий адабиётимиз ҳам юксак чўққиларни забт этиши, жаҳонда буюк аждодларимиз эгаллаган макъа ва шон-шухратга муносиб тарзда фаолият юритиши зарур. Бу эса қалам аҳлидан улкан фидойиликни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ижодкор зйблари вакиллари билан бўлган учрашувда ҳаётий мизига, ижодимизга нисбатан олий даражадаги муносабатни билдириб ўтдилар. Демакки, ҳис-ҳаяжонга

тўлиб, завқу шавқ билан ишлаш вақти келди. Шарт-шароитлар рисоладагидан-да зиёда. Ҳеч нарсадан зинҳор камимиз бўлмайди. Сўралгани шу: ижод қилинг, элимиз, ёшларимиз ички дунёсини обод этишга ҳисса қўшинг. Бадииятда бой аънава ва таъриҳларимизни дунёга қўрсатинг. Бугунимизнинг шеърини ва насрий солномаларини яратиб, келажак авлодга бебаҳо мерос сифатида қолдириш.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган тадбирда замон ва ижодкор маъсулияти хусусида атрофича сўз борди. Шои ва адибаларимиз давр билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб, истеъдодларини намойиш этишлари лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда иштирокчилар тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**А. ҚУТБИДИНОВ.**

# БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА ПИЛЛА ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистонда илк бор такрорий муддатда катта ҳажмда пилла етиштиришга киришилди. Яъни хориждан ёзги мавсумда парваришлагга мўлжалланган 10 минг 500 қути махсулдор ипак қурти уруғи олиб келиниб, пиллачиларга тарқатилмоқда.

## ЯНГИЛИК

"Ўзбекипаксаноат" уюшмасида маълум қилишларича, мавсумга, асосан, республикамизнинг тоғли ҳудудлари, об-ҳавоси нисбатан салқин бўлган туманлардаги пиллачилар жалб этилапти. Шунинг ҳисобига 12 минг қишининг бандлигини таъминлаш, қўшимча равишда 420 тонна саноат хом ашёси етиштиришга эришилади.

— Бу Президентимизнинг жорий йил 29 мартдаги қарори билан уюшмамиз олдиға қўйилган устувор вазифаларнинг икросини таъминлаш борасида ташланган навбатдаги муҳим кадам бўлди, — дейди "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси Баҳром Шарипов. — Келгусида иккинчи муддатда пилла етиштириш ҳажмининг мўлжалли қўлайтириб, баҳорги мавсумдаги қўрсаткичга етказишни режалаштирганимиз. Бунинг учун, энг аввало, 19 та уруғчилик корхонасини тубдан модернизация қилиш, ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари қўриллапти.

Дарҳақиқат, пиллачилик ривож кўп жиҳатдан ушбу икки йўналиш истиқболли билан ҳамбарчас боғлиқ. Бирок айни пайтда юртимизда 51 минг гектар тутзор ҳамда 80 миллион тул тут қаторлари мавжуд бўлса, шундан атиги 25 фоизинга яроқли экан. Ваҳолонки, барг нисбатан кам өйдиган хорижининг

ҳар бир қути ипак қуртини боқиб унун ўртача 750 килограмм тут барги керак бўлади.

Яқинда "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ва Хитойнинг "Shandong Guang Tong Silkworm eggs" компанияси ўртасида имзоланган шартномага биноан эса Навоий ва Қашқадарё вилоятларида элита ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш за-

йил давомида эса нафақат элита ипак қурти уруғига бўлган ички эҳтиёжни тулиқ таъминлаш, балки экспорт қилишни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

Умуман олганда, бу ниятга эришиш учун ипак қурти уруғи етиштирувчи заводларда чет эллик инвесторлар иштироки таъминланади. Бошқача айтганда, 2020 йилгача 270 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция ўзлаштирилиб, 19 та корхона хорижининг энг замонавий ускуна ва дастгоҳлари билан жиҳозланади. Шунингдек, ҳар бир корхонага Хитой, Япония ёки Жанубий Кореядан юқори малакали икки нафар мутахассис доимий ишга жалб қилинади. Уларга консултик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан кириш визалари расмиyllаштирилиши, давлат божи ундирилмасдан кўп мартали визалар бериш, муддатини узайтириш, вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказиш ва мидатини узайтириш каби имтиёзлар жорий этилаётгани эса чет элликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмасдан қолма-япти, албатта.

"Ўзбекипаксаноат" уюшмасида бўлиб ўтган тадбир анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

**Самд РАҲМОНОВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.



Мамлакатимизда 2020 йилгача 270 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестиция эвазига 19 та пиллачилик корхонаси энг замонавий ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланади.

водлари барпо этилапти. — 2018 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган ушбу заводларда 40 минг қути юқори сифатли ипак қурти уруғи ишлаб чиқарилади, — дейди Б. Шарипов. — 600 та иш ўрни яратилиб, уларга маҳаллий ва хорижий мутахассислар жалб этилади. Яқин беш

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни оқола олиш учун QR-коднинг телефонига орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳриратга келган қўймақлар таҳрир қилинмайди ва муаллифта қайтарилмайди. Режама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.  
Газета таҳриратининг марказида терминал ҳамда оператор Ж. Тоғиев томонидан сақлланади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жоинчилов.  
Навбатчи — Ф. Маҳкаммова.  
Мусахҳатчи — С. Исомов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси